

## МАКОН ВА ЗАМОН ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАВОИЙ ВА ШЕКСПИР АСАРЛАРИДАГИ БАДИЙ ИНЪИКОСИ

Ҳикмат Султонович Ҳикматов

Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек мумтоз адабиёти намуналари асосида бадий тафаккурнинг шаклланиши доирасида муҳим категория бўлган макон ва замон тушунчаларининг ассоциацияси очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** макон, замон, тақвимий, архилексема, архифакт, архисема, архетип, этимология, гербаризм, герб.

### ABSTRACT

The article shows the bases of analysis of etymological aspects of dictionary units widely used in samples of Uzbek classical literature in the method of gerbarism.

**Keywords:** space, time, calendar, architect, archbishop, archbishop, archetype, etymology, herbarism, herb.

### КИРИШ

Макон ва замон тушунчаси ҳамда муаммоси барча даврларда олимлар, ёзувчилар ёхуд оддий одамларнинг диққат марказида бўлган. Турли даврларда вақт тушунчасига турлича фикрлар, изоҳлар берилган. Мисол учун машҳур рус олими С.В. Ожегов тузган рус тилининг изоҳли луғатида шундай дейилади: *Время, -мени, мн. –мена, -мен, -менам, ст. 1. Одна из форм (наряду с пространством) существования бесконечно развивающейся материи – последовательная смена ее явлений и состояний. Вне времени и пространства нет движения материи.*

Замон категорияси материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жараёнларнинг макон ва замонда кенг ёйилиши изчиллигини, бу жараёнларнинг турли босқичлари, бир-биридан ажралганлиги, уларнинг давомийлиги ва тараққиётини билдиради. Барча воқеа-ҳодиса ўз ўтмиши, ҳозири, келгусига эга. Нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бирлари аввалроқ, бошқалари кейинроқ содир (мавжуд) бўлади. Мазкур ҳолат эса замон тушунчаси билан ифодаланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу борадаги фикр ва мулоҳазалар ҳамда фалсафий қарашларни умумлаштириб вақтга қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади: замон – маълум бир таянч нуқтаси сифатида ажратиб олинган, бир бири билан узвий боғлиқ бўлган, тебранувчан жараёнларни инсон онгида акс эттиришга хизмат қиладиган субъектив тушунчадир.

Замон инсон ва борлиқнинг мавжудлигини намоён этиб туришда катта аҳамиятга эга бўлган фундаментал элементларнинг биридир. Айнан шу вазифаси туфайли инсон онгида бирор ҳодиса, режа ёки нутқ шакллари экан, ушбу ҳодиса режа ва нутқ қайсидир вақтда ёки давр мобайнида шаклланиши шубҳасиздир. Нутқ жараёнидаги барча гаплар қайсидир вақтни курсатишни тақозо этади. Замон ва макондан ташқари ҳеч қандай фикрни билдириш мумкин эмас.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин: нутқ жараёнидаги ҳар қандай тугалланган фикр (гап) вақт билан боғлиқ бўлади ва унга (гапга) “қачон” деган савол қўйиш мумкин. Ҳаттоки “Баҳор!”, “Муҳаббат!” каби бир сўздан иборат бўлган, ҳис-ҳаяжонли гаплар ҳам замон белгиларини ўзида мужассам этади. Мисол учун “Баҳор!” гапига “қачон” саволини қўйсак, ё “ҳозир” ёки “умуман” деб жавоб бериш мумкин бўлади.

Энг қадимги даврларда ҳам замон муаммоси файласуфларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Мана шундай қизиқиш ва таҳлиллар натижасида турли тақвимлар ва вақт ўлчов бирликлари ихтиро қилинди. Кейинчалик ушбу қизиқиш адабиётшунос ва тилшуносларни ҳам ўз домига торта бошлади. Мазкур ҳолат ўз навбатида адабий асарларнинг ўзига хослиги, уларда турли даврларнинг ўзаро боғлиқлиги, воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, қаҳрамонлар тақдирларининг замонлар ва маконлар орқали боғлиқлиги, адибларнинг қарашларини илмий ўрганишга бўлган интилишни тобора кучайиб боришига замин яратди.

Вақт ва уни тўғри тақсимлаш, фойдали сарфлаш хусусида “Вақтинг кетди бахтинг кетди”, “Вақт энг адолатли ҳакам”, “Вақт оқар сувдай оқиб кетар” каби турли мақол ва маталлар ҳам борки, ушбу ҳолат вақт масаласи нафақат олимлар ва ёзувчилар балки халқ, оддий одамларни ҳам қизиқтиради, барча учун бирдай долзарблик касб этади деган фикрга бошлаши шубҳасиз.

Вақтни ҳозирги илмда асосан икки шаклда – **бадий ёки адабий** ва **реал ёки календар(тақвимий)** шаклларида ифода этилади. Вақт тушунчаси турли кўринишларда – тарихий, фалсафий, лингвистик – бадий ижод хусусиятлари билан яқиндан

боғлиқдир. Агар реал вақтни тўхтатиб ёки тезлаштириб, ўзгартириб бўлмайдиган, бир йўналишда ҳаракат қиладиган унсур (ҳаракатдаги материя йўқ жойда замон ва макон бўлмайди) десак ва у тўхтаётган олмайдиган десак, бадиий-адабий вақтни адиб олдига қўйган мақсадига кўра орқага юргизиши, тўхтатиши ва ҳатто қаҳрамонларни нормал кетма кетликни бузган ҳолда анча олдинги (келажакдаги) ёки тарихий даврга олиб бориб ташлаши мумкин. Вақт машинасида замонлар аро саёҳат қилувчи қаҳрамонлар бадиий асарларда истаганча топилади.

Вақт бадиий адабиётда алоҳида мавзу сифатида кенг қўлланиб келинаётган унсурлардан биридир. Адабий асар билан боғлиқ бўлган тўрт вақт (қачон саволига жавоб бўладиган давр) мавжуд бўлиши мумкин. Булар: асар ёзилган ва чоп этилган вақт, асар воқеалари сўзлаб берилаётган вақт, асардаги воқеа-ҳодисалар юз берган вақт, ўқувчи асарни ўқиётган вақт. Ушбу тўрт вақт бир-бирига нисбатан яқин бўлиши ёки анча узоқ бўлиши мумкин. Мисол учун Валтер Скотнинг “Роб Рой” асарини олсак. Биз уни ХХI асрда туриб ўқиймиз; асар 1817 йили ёзилиб чоп этилган; асар қаҳрамонлари деярли бир аср олдин мавжуд бўлган ва воқеалари ҳам бир аср олдин содир бўлган; сўзловчи эса бир қария ва у сўзлаётган вақтидан 50 йил олдинги, ёшлигидаги воқеаларни айтиб беради. Уч асрлик давр ичида тўртта алоҳида вақт бирлиги.

Вақт инсон ва борлиқ мавжудлигининг энг асосий элементларидан бири бўлгани каби нутқ жараёнида ва бадиий асарда ҳам энг асосий элементлардан биридир. Ҳар бир асар воқеалари қайсидир вақтда (даврд) ўз ифодасини топиши муқаррар. Ушбу вақт хронологик тартибда, ҳозирги реал вақт тартибда, ўтмишга ёки келажакка назар тарзида ифода этилиши мумкин. Қандай бўлмасин вақт ўтиб боришини назарда тутган ҳолдаги сюжетни очиб беришга, қаҳрамонларни тарифлаб беришга имконият бўлиши мумкин. Бадиий асарда вақтни ифода этишгина эмас, балки вақт алоҳида ҳодиса сифатида ҳам ёзувчи ва шоирларнинг диққат марказида бўлиб келган. Айрим ҳолатларда вақт асарда иштирок этаётган қаҳрамон ёки образ даражасига олиб чиқилган десак хато қилмаган бўламиз. Вақт ҳақида бир қатор адиблар ўз фикрларини ифода этиб ўтишган. Хусусан буюк Алишер Навоий вақт ва умр хусусида шундай дейди:

Кўп ухлаш оз умр кўриш демакдир,  
Уйқуга кетган вақт кетган умрдир.

Шекспир эса вақтга атаб, вақтга мурожаат этиб, уни жонлантириш асносида бутун бошли бир сонет ёзган. Сонетда вақт тушунчаси бутун бошли инсонга, шахсга

айланади, жонланади, ўқувчи кўз ўнгида жанли мавжудот сифатида намоён бўлади. Ана шу сонетни таржима қилишга уриниб кўрдик.

### Сонет 19

Арслон панжасин кучсиз айлагин эй вақт.  
Ердан чикқан хар нарса тупрокқа қайтсин.  
Йўлбарс тишларин тўкиб айлагин карахт.  
Қақнус ёниб кулидан тирилаверсин.

Сен учиб ўт, фасллар алмашаверсин.  
Вақтичоғлик қилавер, ўйнаб кул эй вақт.  
Майли гўзал чехралар сарғаяверсин,  
Бир гуноҳга қўл урма, қўл урма фақат.

Ёримнинг ой юзига ажинлар солма,  
Чизиқ чизма қаламинг билан қадимий.  
Уни минбъад таъсиринг остига олма,  
Бу гўзаллик тимсоли қолсин абадий.  
Ўз ишинг бетўхтов қилсангда эй вақт,  
Ёр шеъримда ёш яшар абадул абад.

Турли тил материаллари ва бадий асарларда вақт тушунчасини ифода этувчи воситаларни ўрганиб таҳлил қилиш, уларни тўғри тушуниб талқин қилиш ва бир тилдан иккинчи тилга ўгиришнинг самарали усулларидан фойдаланишни йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этади.

Барча тилларда бўлгани каби инглиз тилида ҳам замон ва вақтни ифода этиш масалалари бир қатор олимларни қизиқтириб келган. Грамматик замон категорияси, дейктик ифода воситалари ва бошқалар хусусида дунё юзини кўрган илмий ишлар ана шулар жумласидандир. Мазкур тадқиқотда биз ўз олдимизга инглиз тилида қўлланиладиган бадий-адабий ва реал вақт орасидаги фарқлар ва ўхшашликлар нуктаи назаридан феълнинг замон шакллари, лексик, фразеологик ва дейктик ифода воситаларининг бадий матнда берилиши ва ана шундай воситаларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари устида тизимли таҳлил олиб боришни мақсад қилиб қўйганмиз.

Нутқ жараёнида вақтга мурожаат қилишнинг, вақтни кўрсатишнинг, вақтни ифода этишнинг бир неча усуллари мавжуд. Вақт лексик вақт бирликлари билан ифода этилиши мумкин (асрлар, йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар минут ва

сониялар); вақтни дейктик (кўрсатиб) айтиш мумкин (ўша пайт, ҳозирги давр, шу замон, шундан сўнг, келгунича, овқатланишдан олдин, кейин ва ҳ.к.ва ҳ.к.); фразеологик бирликлар ёрдамида ифода этиш мумкин (сўфи азон чақирмай, хўроз иккинчи қичқиришида, каллаи саҳарлаб, қаро тунда) ва грамматик воситалар (фезлнинг замон категорияси) орқали ифода этиш мумкин.

Инглиз тилида ҳам вақтни айнан мана шу тўрт турдаги тил бирликлари орқали ифода этилади. Бунда лексик бирликлар yesterday, today, tomorrow last year, next year, in December, in 1948, on Wednesday кабилар бўлса, дейктик бирликларга that, previous year, at this moment, after (before) having breakfast каби вақтни кўрсатувчи, иш ҳаракат содир бўлган (бўладиган) вақтга ишора этувчи воситалар киради. Инглиз тилида вақтни ифода этувчи фразеологик бирликлар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунда инглиз тилида мулоқот қилаётган шахс мулоқотнинг самарали бўлишида ушбу фразеологик бирликларнинг маъносини олдиндан ўрганган бўлиши катта аҳамиятга эга. Мисол учун қуйидаги фразеологик бирликлар ва колокацияларни олайлик: At the crack of dawn, on the dot, the early bird catches the worm, in the nick of time, a month of Sundays, after the watershed, eleventh hour, feast today and famine tomorrow, кабиларни тўлақонли тушуниш ва ўзбек тилига таржима қилишда албатта ушбу тил бирликлари билан таниш бўлиш мулоқотнинг ва таржиманинг тўлақонли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Вақтни ифода этувчи грамматик восита – замон категорияси алоҳида эътиборни талаб қилади. Инглиз тилидаги замон шакллари ва аспекти хусусида анчайин тўлиқ ва мукамал фикрлар бериб ўтилган. Шунга қарамай, замонавий адабиётларда ушбу масала юзасидан ҳам бир мунча мунозарали қарашлар берилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, анъанавий адабиётларимизда инглиз тилида 4 та замоннинг 4 тадан аспекти бор, шундай қилиб 16 та (аниқлик нисбати) замон шакллари мавжуд деган фикр кўп учрайдиган ҳол бўлса, ғарб адабиётларида 3 та замон, 4 та аспект, шундай қилиб, 12 замон шакли мавжуд деган фикр кенг тарқалган.

Инглиз тилидаги замон шаклларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳам ўзига яраша мураккабликларни юзага келтириши мумкин. Мисол учун Хемингуэй қаламига мансуб Фиеста асаридан олинган қуйидаги гапга эътиборимизни қаратсак “He cared nothing for boxing, in fact he disliked it, but he learned it painfully and thoroughly to counteract the feeling of inferiority and shyness he had felt on being treated as a Jew at Princeton.” Ушбу гап ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинган: аслида Робертда боксга мойиллик йўқ эди, аксинча бокс деса ишқори озарди,

лекин шундай бўлса ҳам ўлиб тирилиб, кунт билан бокс тушишни ўрганарди. Яхудийларга паст назар билан қараладиган Принстонда у журъатсизлиги ҳамда беқадрлигидан ўксиш туйғусидан халос бўлиш учун ҳам шундай қиларди. Ушбу гапнинг *he had felt on being treated as a Jew at Prinston* (ўтган тугалланган замон) орқали адиб Кондаги журъатсизлик ҳамда беқадрлик туйғулари у бокс билан шуғуллана бошлагандан олдин мавжуд бўлганлигини ва боксчи бўлгандан кейин бундай хислардан халос бўлганини айтмоқчи бўлади. Таржимада эса бу фикр тўлақонли акс этмаган, яъни Кон ўша хислардан қутула олган олмаганлиги номаълум қолган. Мана шу бир қарашда арзимагандай кўринган деталнинг ноаниқ қолиши асарнинг моҳиятини тўла англаб етишга халақит қилиши мумкин, зеро Роберт Кон асарнинг (мураккаб характерга эга бўлган) асосий қахрамонларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Биз юқорида айрим замон ва макон категорияларини бир неча тиллар материаллари асносида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ваҳоланки, бу категориялар реал ҳаётда турли халқлар томонидан бир хил ёки ўхшаш тушунча сифатида, бироқ турли тил воситалари билан тавсиф қилинади. Юқоридагилардан хулоса сифатида келтирилган фикрлар нафақат бадиий категория, балки реал вақтнинг тизимли ўлчови сифатида ҳам олиниши керак. Зеро замон ва макон категориялари илмда дунёнинг мавжудлик шарти сифатида инсон онги парадигмаларининг мавжудлигини таъминлайди.

## REFERENCES

1. Туленов Ж., Гафуров З. Фалсафа. Т.: Ўқитувчи, 1997
2. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках. Автореферат докторской диссертации.
3. Арнольд И.В. Лексическо-семантическое поле в языке и тематическая сетка текста Текст как объект комплексного анализа в вузе ИСб. статей. Л., 1984.
4. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Л., 1977 \
5. Crystal D. The Cambridge Encyclopedia of the English Language
6. ACHILOVA, E. (2021). O'TKIR HOSHIMOV ASARLARIDA BADIY PSIXOLOGIZM MUAMMOSI. "XALQ TA'LIMI", 5(1), 88-91.
7. Achilova, E. (2022). O'tkir Hoshimovning "Urushning so'nggi qurboni" hikoyasidagi psixologik tasvir. *Til va adabiyot ta'limi*, 1(1), 40-42.
8. ACHILOVA, E. (2022). SUJET, OBRAZ, USLUB XUSUSIYATLARI. *Til va adabiyot ta'limi*, 3(1), 26-27.
9. Achilova, E. S. (2022). ARTISTIC PSYCHOLOGY ON THE EXAMPLE OF THE WORK "SPRING DOES NOT

RETURN". *An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1991-1994.

10. Atadjanov, G. (2020). FRIENDSHIP OF LITERATURE - FRIENDSHIP OF NATIONS. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 10(90), 201-203.

11. Atajanov, G. (2020). ASLIYATNI QAYTA YARATISH MUAMMOSI. *UzACADEMIA*, 1(1), 72-75.

12. Davlatova, A. R. (2021). IMAGE OF MENTALITY IN ABDULLA ORIPOV'S LYRICS. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 11(103), 904-908.

13. Davlatova, A. R. (2022). PHILOSOPHY OF ABDULLA ORIPOV'S LYRIC. *International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences*, 10(11), 259-264.

14. Davlatova, A. R. (2022). THE ROLE OF WORLD LITERATURE IN THE DEVELOPMENT OF ABDULLA ORIPOV'S POETIC THINKING. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1027-1032.

15. Murodova, R. (2022). Ona tili darslarida nostandart testlardan foydalanish usullari. *Til va adabiyot ta'limi*, 1(1), 11-12.

16. Murodova, R. (2022). TIL VA MADANIYATNING TALQINI ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK NIGOHIDA. *CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 2(5), 895-903.

17. Murodova, R. I. (2022). NON-STANDARD TESTS IN MOTHER TONGUE EDUCATION AND IMPROVEMENT OF METHODOLOGY OF THEIR USE. *GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ)*, 10(5), 21-36.

18. Rahmanova, N. A. (2022). CHIN ELIDEK BODAPARAST ET MENI..." YOKI TASAVVUFIY CHIN MAVZUSI HAQIDA. *"FILOLOGIYA MASALALARI*, 1(1), 224-227.

19. Raxmanova, N. (2022). ALISHER NAVOIYNING EPIZODIK OBRAZLAR YARATISH MAHORATI. *International Conference on Developments in Education*, 1(1), 114-118.

20. Usmanova, Z. I. (2022). FURQATNING ALISHER NAVOIY G'AZALIGA BOG'LAGAN TATABBUSI. *CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 2(1), 221-225.

21. Tojiboyeva, G. A. (2021). JADID ADABIYOTIDA AYOLLAR TIMSOLI. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(4), 1495-1502.

22. Tojiboyeva, G. A. (2022). MAHMUDXO'JA BEHBUDIYNING "PADARKUSH" DRAMASIDA AYOLLAR OBRAZI. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 66-70.

23. Tojiboyeva, G. A. (2022). XX ASR BIRINCHI CHORAGIDA BUXORODA IJTIMOIIY-IQTISODIY, SIYOSIY MADANIY HAYOT, JADIDCHILARGA QARSHI MA'NAVIY HAMDA JISMONIY KURASH. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(5), 590-593.
24. Usmanova, Z. I. (2021). Она тили дарсликлари такомиллашмоқда. *Экономика и социум*, 4(83), 521-525.
25. Usmonova, Z. (2022). Zamonaviy ta'limning negizi. *Til va adabiyot ta'limi*, 2(1), 15-17.
26. Usmonova, Z. I. (2021). YANGI DAVR DARSLIKLARI. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(11), 282-287.
27. Атаджанов, Ф. (2022). ШАКЛАН ЎХШАШ ВА АЛДОҚЧИ СЎЗЛАР МУАММОСИ. "ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МУАММОЛАРИ", 1(1), 561-564.
28. Ачилова, Э. С. (2021). РОЛЬ УРОКОВ ЛИТЕРАТУРЫ В ФОРМИРОВАНИИ КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ. *Научные исследования*, 2(3), 46-49.
29. Усманова, З. И. (2022). ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ГРАММАТИК ТУШУНЧА, МАШҚ, САВОЛ ВА ТОПШИРЦЛАРНИНГ БЕРИЛИШИГА ОИД УЦУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА. *CENTRAL ASIAN ACADEMIC JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 2(1), 251-259.
30. Муйдинова, А. (2022). МУВАШШАҲЧИЛИК АНЪАНАСИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 1042-1046.
31. Муйдинова, А. У. (2022). МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МУВАШШАҲЛАРГА ДОИР АДАБИЙ МУНОЗАРАЛАР. "Экономика и социум", 6(97), 1-7.
32. Muysinova, A. (2022). A LOOK AT THE HISTORICAL ROOTS OF MUVASHSHAN ART. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(05), 358-361.
- Muysinova, A. (2022). Muavashshaxchilikda an'ana va individuallik. *Til VA ADABIYOT TA'LIMI*, 4(1), 47-48.

